УДК 821.512.133-193

ЭРКИН АЪЗАМ НАСРИДА ИНИЦИАЦИЯ МОТИВИ

М.И.Шералиева

Мақолада Эркин Аъзамнинг насрий асарлари мисолида инициация мотивининг турли кўринишлари ҳамда уларнинг трансформацияси ўрганилган. Адибнинг "Боғбололик Кўкалдош" ҳикояси сюжети халқ эртакларидаги каби инициация мотиви асосига қурилгани асосланган. "Отойининг туғилган йили", "Жавоб", "Байрамдан бошқа кунлар" қиссаларида конфликт қаҳрамондаги инициация зарурати туфайли юзага келгани ҳамда мазкур мотив уларда қўйилган ижтимоий проблематикани ифода этишда муҳим функция бажаргани асослаб кўрсатилган.

Калит сўзлар: *инициация мотиви, халқ эртаклари, сюжет ситуацияси, персонажлар тизими, протагонист, антагонист.*

В статье на примере прозаических произведений Эркина Агзама рассмотрены различные варианты мотива инициации и их трансформация. Показано, что сюжет рассказа «Кукалдош из Богболо», как и в целом ряде народных сказок, построен на основе мотива инициации. Также доказано, что в повестях «Год рождения Атаи», «Ответ» и «Дни кроме праздников» конфликт возникает на основе мотива инициации, и что данный мотив выполняет важную функцию в художественном воплощении поставленной в них социальной проблематики.

Ключевые слова: *мотив инициация, народные сказки, сюжетная ситуация, система персонажей, протагонист, антагонист.*

Мотив сюжетнинг муҳим ҳалқаси ёки ҳалқалар тизими сифатида сюжет ситуациясининг танланиши ва у орқали персонажлар тизимининг ташкилланишига таъсир кўрсатади. Мазкур масалани Эркин Аъзам асарларидаги инициация мотиви таҳлилида кўриб чиқамиз.

Инициация халқ оғзаки ижоди, хусусан, эртак ва достонлардаги асосий мотивлардан бўлиб, у этнографик элемент сифатида мифлар орқали фольклорга ўтган. "Инициация (лот. *Initio* "бошламоқ, (... лар қаторига) қўшмоқ, диний аҳд маросимига киритмоқ", initiation, "диний аҳд маросими, мистериялар ўтказмоқ") индивиднинг бир мақомдан бошқасига, жумладан, кишиларнинг муайян ёпиқ доирасига (қабиланинг тўлақонли аъзолари, эркаклар уюшмаси, эзотерик культ, коҳин, шаманлар ва ҳ.к.лар қаторига) ўтиши ҳамда ана шу ўтиш жараёнини амалга ошириш маросими" [1. Б. 446]. Мазкур таъриф инициациянинг кенг маъносини англатади. Тор маънодаги инициация тушунчаси ўспиринниг катталар, никоҳга лаёқатлилар қаторига ўтишини билдиради [1. Б. 446, 2. Б. 18].

Австралия аборигенларининг инициация маросимларини кузатган Мирча Элиаденинг ёзишича, замонавий дунёнинг характерли белгиларидан бири – унда бағишлов[1]нинг йўқолиб боришидир: "Анъанавий жамиятнинг муҳим хусусияти бўлмиш бағишлов замонавий жамиятда мутлақо мавжуд эмас" [3]. Р.Ефимкина эса бунга қарама-қарши фикрни илгари суради. Унинг таъкидлашича, инициация географик жиҳатдан универсал ҳодиса бўлиб, уни исталган тарихий давр ва ҳар қандай ижтимоий тараққиёт босқичида учратиш мумкин: яширин уюшма аъзолигига киришдан тортиб пионер ташкилотига қабул қилинишгача, коҳинлик ёки етакчиликка ўтишдан индустриал ҳокимият президентининг инаугурациясигача – барчаси инициация кўринишларидир [2. Б. 18].

Гарчи инициация алоҳида маросим сифатида халқ турмуш тарзидан йўқолиб борса-да, жамиятда яшаётган ҳар бир индивидда инициация эҳтиёжи сақланиб қолаверади. Албатта, бунда қандайдир ташкилот аъзолигига кириш ёки лавозимга тайинланишгина назарда тутилмайди. Индивид болалик босқичидан катталар дунёсига қадам қўяр экан, унда физиологик ўзгаришлар билан бирга психологик, ижтимоий ўзгаришлар ҳам кузатилади. Р.Ефимкина инициацияни психологик [2], Г.Бедненко эса физиологик ва ижтимоий ҳодиса [4] деб ҳисоблайди. Биз эса инициацияга ҳам ижтимоий, ҳам психологик ҳодиса деб қарар эканмиз, инициация деганда ижтимоий муносабатлар таъсирида психологик ўзгаришга учраган индивиднинг ўз ижтимоий мақомини ўзгартиришигача бўлган жараённи назарда тутамиз.

[1] Русча "посвящение" – муайян бир мақом, даражага етмоқ, бирон-бир тоифа, гуруҳ кабиларга қўшилмоқни англатувчи атамани калька усулида "бағишлов" деб таржима қилдик. Сабаби, термин мазмунини айнан ифодалай оладиган сўз тополмадик, маънони сўз бирикмаси билан бериш эса маъқул кўринмади.

Халқ эртакларидаги аёллар инициациясини психологик аспектда тадқиқ этган Р.Ефимкина кузатишларига кўра, психологик ва антропологик адабиётларда инициация мавзуси аксарият эркаклар билан алоқадорликда ҳамда жисмоний ўлим чегарасидаги оғир синов сифатида тавсифланади ва у қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

1. Синов.
2. Трансформация (эврилиш).
3. Қайта тирилиш [2].

"Жаҳон халқлари мифлари" энциклопедиясида қайд этилганидек, "Умуман инициация билан боғлиқ мотивларни қаҳрамоннинг "шаклланиши"ни ўз ичига олган, шунингдек, унинг туғилиши ёки болалигидан бошланадиган деярли ҳар қандай сюжетда топиш мумкин. Бир қатор катта эпик матнлар инициация билан боғлиқ ҳолда тушунтирилади" [1. Б. 447]. Энциклопедия муаллифлари бу борада "Маҳобҳорат", "Одиссея", "Гильгамеш" достонларини мисол келтирадилар.

Бу ўринда диққат қилиш лозим бўлган нуқта шундаки, инициация мотивининг муҳим хусусияти сифатида қаҳрамоннинг шаклланиш жараёни назарда тутилган. Қаҳрамоннинг шаклланиши эса ўзига хос сюжет ситуациясини – персонажнинг чегара вазиятини акс эттиришни тақозо қилади. Инициация моҳиятан индивиднинг болаликдан катталар дунёсига ўтиш босқичини англатишини назарда тутсак, аксарият халқ эртакларида никоҳ ёшидаги йигит ёки қизнинг сюжет марказига чиқарилиши тасодиф эмас. Қуйида инициация мотивининг халқ эртаклари ва реалистик адабиётдаги кўринишларини Э.Аъзам ижоди мисолида қиёслашга ҳаракат қиламиз.

Қўйилган масала нуқтаи назаридан Эркин Аъзамнинг "Боғбололик Кўкалдош", "Совуқ" ҳикоялари, "Отойининг туғилган йили", "Жавоб", "Байрамдан бошқа кунлар", "Гули гули" қиссалари, "Шовқин" романи алоҳида қимматга эга. Саналган асарлар учун умумий бўлган хусусият шундаки, уларнинг барчасида қаҳрамонларнинг чегара ҳолатидаги кечмиши қаламга олинган. Мазкур асарларда ўғил боланинг катталар дунёсига қадам қўйиши – инициацияси муаллиф диққат марказига чиқарилган бўлиб, инициация мотиви сюжет воқеаларининг муҳим ҳалқасини ташкил этган. Шунга кўра, инициация мотиви сюжет ситуациясининг танланиши ҳамда образлар тизимининг ташкилланишига таъсир кўрсатган асосий омил сифатида кўринади.

Аксарият сеҳрли эртаклар марказида кенжа ўғил, кенжа қиз ёки ўғай ўғил, ўғай қиз ҳаракатланади. "Инициация нуқтаи назаридан фақат кенжа қаҳрамон бўла олади, фақат унинг учунгина мавжуд вазиятни ўзгартириш орқали катта одам мақомига ўтиш имкони бор, бу нарса сюжетни ташкил қилади" [1. Б. 447]. Манфаатлари тан олинмаган кенжа ўғил ёки ҳамма қатори тўлақонли мақомга эга бўлмаган ўғай фарзанднинг сюжет марказига чиқарилиши қаҳрамон инициацияси учун оптимал вазиятни юзага келтиради, ўз мақомидан қониқмаслик ва уни ўзгартириш эҳтиёжи конфликтнинг юзага келишини, сюжет воқеаларига старт берилишини таъминлайди.

"Боғбололик Кўкалдош" ҳикоясидаги Кўкалнинг ўғай эканлиги, "Отойининг туғилган йили", "Жавоб", "Байрамдан бошқа кунлар" қиссаларида эса қаҳрамоннинг ука эканлигининг ўзи инициация мотиви учун зарурий элементга айланган. "Отойининг туғилган йили" қиссасининг қаҳрамони Асқар Шодибеков мустақил ҳаётга қадам қўядиган ёшга етган, бироқ унинг шарттаки характерини яхши билган ота-онаси Тошкентга ўқишга юборар экан, у ерда Асқарга акаси доим кўз-қулоқ бўлишини тайинлашган. "Жавоб"нинг қаҳрамони ёши элликка етган Нуриддин Элчиев акасининг ўзидан ҳам аввал укасини ўйлашига ўрганиб қолган, унга акасининг болаликдаги ғамхўрлик ва меҳрибонлиги ҳалигача давом этиб келмоқда. "Байрамдан бошқа кунлар" қиссасининг қаҳрамони Бакир эса оиладаги уч ўғилнинг кенжаси.

"Боғбололик Кўкалдош" ҳикоясининг қаҳрамони никоҳсиз туғилган "айбсиз айбдор" одам мақомидан Боғболонинг тўлақонли аъзоси мақомигача чиқиб боради. Ҳикояда Кўкални бола пайтидан бошлаб таниймиз. Асар бошдан-оёқ қаҳрамоннинг инициациясига бағишланган бўлиб, Кўкал-Кўкалдош-Кўкламнинг болаликдан катталар дунёсига ўтишини қадамма-қадам кузатамиз. Ҳикоя халқ эртакларидаги каби сюжет ситуациясига ва образлар тизимига эга: 1. Кўкал яшаётган оилада: "Кўкал – она – ўгай ота – ўгай укалар". 2. Дониёровнинг оиласи учун: "Кўкал – ота (Дониёров) – ўгай она – ўгай ука (Камол)". Шунингдек, сюжет ситуациясини ва воқеалар ривожини белгилайдиган персонажлар тизимини ажратиб оладиган бўлсак, образлар тизими қуйидаги кўринишга келади: "Кўкал – она – ота (Дониёров) – ўгай она – ўгай ука (Камол)". Ўгай ота ва унинг фарзандлари сюжет учун у қадар аҳамиятли бўлмай, муаллиф уларнинг мавжудлигини қайд этиш билан чекланади, холос.

Ҳикоя сюжети халқ эртакларидаги сюжет мотивларини асосан такрорлайди: ўгай ўғилнинг ўгай она ва бошқалар томонидан доимий равишда камситилиши – қаҳрамоннинг ўзи туғилиб ўсган муҳитдан чиқиб кетиши – синовлардан муваффақиятли ўтиши – мурод-мақсадига етиши. Ҳикояда юқоридаги мотивларнинг трансформацияси кузатилади: қаҳрамон нафақат ўгай онадан, балки ўз онаси ва отасидан ҳам ўгайларча муносабатга дуч келади; шунингдек, муҳитдан ташқарига чи-

қиш учун қаҳрамон олдига конкрет вазифа, бажариш мушкул топшириқ қўйилмайди. Муаллиф қаҳрамоннинг муҳитдан ташқарига чиқишини реалистик усулда асослайди: ниҳоятда ориятли Кўкал Дониёровнинг укаси айтган “Бепадар ҳароми!” деган ҳақоратни кўтара олмай, Боғболодан чиқиб кетади.

Образлар жойлашуви, ўз навбатида, қаҳрамонда инициация заруратини таъкидлашга хизмат қиладики, муаллиф Кўкал образини Дониёров ва унинг укасига ёнма-ён қўйиш орқали юзага чиқадиган мазмунга урғу беради. Одатда, мустақил ҳаётга қадам қўйиш арафасидаги ёш йигитнинг ўз манфаатлари ҳимоясига чиқиши катта авлод вакилларини ўз позициясини ўзгартиришга мажбур қилади. Бироқ катта авлод ҳамиша ҳам бунга тайёр бўлавермайди, кейинги авлоднинг оддий инсоний ҳақ-ҳуқуқларини, манфаатларини эътироф этиш катта авлод томонидан ўз имтиёзларини бўлишиш ёки улардан маҳрум бўлиш даражасида тушунилади. Бу жиҳатдан қаралса, ҳикоядаги Дониёровнинг укаси кўчкаклик бир ўспириндан курашда енгилиб қайтгач, аламидан Кўкалга шапалоқ тортиб юбориш эпизоди тасодиф эмас. Шунингдек, ҳикояда ҳамиша сарҳовуз бўйидаги шийпончада ўзи билан ўзи шахмат ўйнаб ўтирадиган Дониёров ва тинимсиз фаол ҳаракатдаги Кўкал ўзаро ёнма-ён қўйилган бўлиб, инициация субъекти сифатида Кўкалнинг мақоми нафақат ҳамқишлоқлар, балки китобхон кўз ўнгида ҳам юқорилаб боради.

Халқ эртакларидаги кенжа ўғил инициацияси “Байрамдан бошқа кунлар” қиссасида трансформацияга учраган ҳолда акс эттирилган. Қисса қаҳрамони Бакир акаларига эмас, божаси Зокирга ва поччаси Чиннибекка қарши қўйилади. Бу эса ёзувчи ифода этмоқчи бўлган ижтимоий проблематика таъсирида рўй беради. Зокир почча, божаси Чиннибекдан фарқли Бакир оддий, камҳарж оиланинг фарзанди. Қиссада Бакир мансуб ижтимоий қатламнинг ички зиддиятлари кўрсатилмайди, балки жамиятнинг имтиёзли тоифаларига мансуб кишиларнинг оддий меҳнаткаш табақа кишиларига муносабати акс эттирилади. Шунга кўра, халқ эртакларидаги “бой – камбағал” ёки “бой ака – камбағал ука” зидлиги Э.Аъзам қиссасида замонавий тарзда ижтимоий мазмун касб этади. Бакирнинг улғайиши шунчаки акалари қатори кап-катта одамга айланишидангина иборат эмас, ундаги инициация зарурати бир ижтимоий қатламнинг иккинчи ижтимоий қатлам билан ўзаро зиддияти туфайли юзага келади. “Боғбололик Кўкалдош” ҳикояси қаҳрамони Кўкалдан Бакирнинг фарқи ҳам шунда: Кўкал алоҳида индивид сифатида болаликдан ўспиринликка қадам қўяди, сўнгра катталар қаторидан жой эгаллайди – унинг тарихи шундан иборат. Ҳикоя сюжетида халқ эртакларидаги каби “мурод-мақсадига етиш” элементи мавжуд бўлиб, воқеа яхлит, тугалланган характерда. (“Ахир, боғбололик Кўкалдош ниятига етди-ку!..”). Бакир алоҳида индивид сифатидагина эмас, совет жамиятида манфаатлари камситилган меҳнаткаш омма вакили сифатида ҳам инициация босқичидан ўтади. У бошқа ижтимоий қатлам билан муносабатдаги зиддиятни англаш, қуйи ижтимоий мақомидаги ноқулайлик туфайли инициацияга эҳтиёж сезади. Бакирнинг улғайиши унинг бир ижтимоий қатламдан иккинчисига кўтарилиши билан ёки бошқа ижтимоий қатлам вакилларининг эътирофига эришиши билан якунланмайди (Боғбололик Кўкалдошга қиёсланг). Бир қарашда қисса воқеалари тугалланмагандек, финал очиқ қолгандек туюлади, зотан, қиссада ёмонлар жазосини олиб, яхшилар мурод-мақсадига етганлари йўқ. Бу ўринда масалага анъанавий сюжет қолипи асосида ёндашмаслик зарур. Қисса сюжети воқеаларни ҳикоя қилиш баробарида уларни қайта идрок этиш усулида қурилганлигини эътиборда тутиб, сюжет воқеаларининг тугалланиши масаласига икки хил нуқтаи назардан қараш керак бўлади. Қиссада турли ижтимоий қатлам вакиллари бўлган Чиннибек, Зокир почча ва Бакир ўртасидаги конфликт ҳал бўлмасдан очиқ қолади, зотан, реалистик қиссада бунинг имкони ҳам йўқ, ушбу конфликтнинг ҳал этилиши – Бакирнинг ихтиёридан ташқаридаги ҳол. Бошқа томондан қаралса, воқеаларни қайта бошдан идрок этиб, уларнинг моҳиятини англашга уринаётган Бакирнинг ички зиддияти якунига етади – қисса воқеалари давомида Бакир (Бакир кабилар)нинг ҳисобига яшаётган кишилар билан муносабатда қаҳрамон ўзи таянган қадриятлар билан бирга синовдан ўтади. Чиннибек, Зокир почча, Баргида ва унинг оиласи Бакирга юқоридан қарашда давом этаверади, аммо Бакир энди уларга қуйидан юқорига қарагандек боқмайди, уларга нисбатан ўзининг муносабатини қайтадан белгилаб олади. Бир йил давомида бошдан кечирганлари таъсирида улғайган Бакирдаги инициация жараёни ана шу нуқтада якунлади.

“Жавоб” қиссасида эса ўз вақтида инициация босқичини ўтай олмаган одамнинг вазияти тасвирланган. Қисса қаҳрамони Нуриддин Элчиев, айтиш мумкинки, кечиккан инициация жараёнини бошдан кечиради – ёши элликка борган пайтда чинакамига улғайишига тўғри келади. Қиссада қўйилган проблематика кўп жиҳатдан “Байрамдан бошқа кунлар” қиссасидаги проблематикага яқин – республика миқёсидаги катта бир идорада оддий инспектор бўлиб ишлайдиган Нуриддин Элчиев жамиятдаги мақомини қайта идрок этишига тўғри келади. Турмушга чиқадиган ёшдаги қизи,

уйланадиган ёшдаги ўғлининг инициация босқичига кириши ҳам Элчиевдаги ижтимоий-психологик муаммони – вақтида инициация босқичини ўтай олмаганликни бўрттириб кўрсатишга хизмат қилган. Аслини олганда, Элчиевнинг ўғли Камолиддин билан зиддияти моҳиятида ҳам ўғилнинг ота мансуб ижтимоий қатлам вакили бўлиб қолишни истамаслиги ётади (“Уйлантиринг, – деб такрорлади Камолиддин яна худди бояги оҳангда. – Мунирани олиб беринг. Ҳайдар амакимнинг қизини. Беришса!..”. [5. Б. 52]).

Албатта, гап қаҳрамоннинг инициация босқичидан ўтиши ҳақида кетар экан, халқ эртакларида сюжет марказидаги протагонист персонаж ва унинг антиподи – антагонист образи инициация мотиви учун алоҳида қиммат касб этишини таъкидлаш зарур. Инициация мотиви марказий ўрин тутган сюжетда икки хил – инициация босқичидан ўта олган ва бунинг учун мукофотга (гўзал малика, қимматбаҳо буюм, беҳисоб бойлик, подшолик ёки ярим пошшоликка) эришган протагонист персонаж; инициация жараёнидан ўта олмаган антагонист персонаж тасвирланади. Бу ўринда диққат қаратиш керак бўлган жиҳат шундаки, инициация босқичини муваффақиятли ўтай олганликни кўрсатадиган иккита муҳим белги мавжуд: биринчиси қаҳрамон мушкул вазифани уддалаши, ҳомий ёки устоз томонидан қўйилган шартни муваффақиятли бажариши керак. Иккинчиси, албатта, бунинг эвазига бериладиган мукофотни олиши зарур. Зотан, қўлга киритилган мукофот қаҳрамоннинг инициация босқичидан муваффақиятли ўтганини исботловчи муҳим деталдир. Эътибор берилса, протагонист персонаж шартни бажариб эришган мукофотнинг антагонист персонаж томонидан тортиб олиниши, ўғирлаб кетилиши эпизоди халқ эртаклари сюжетига бежиз киритилмаганини англаш мумкин. Айнан мукофот воситасида антагонист шартни, мушкул топшириқни бажарганини, ўз навбатида инициация жараёнини ўтаганлигини исботламоқчи бўлади.

Эркин Аъзам асарларидаги ўзаро қаршилантирилган антипод персонажларда халқ эртакларидаги протагонист ва антагонист персонажларга хос белгилар кузатилади. “Боғбололик Кўкалдош”даги Кўкалнинг армияга бориб келиши билан боғлиқ тафсилотлар орқали муаллиф ҳикояга Дониёровнинг бошқа бир ўғли – Комил образини олиб киради. Тафсилотлардан маълум бўладики, ясситовонлиги учун кузда армиядан қолдирилган Кўкал баҳорда Комилнинг ўрнига армияга юборилади. Армия ўғил бола учун инициациянинг замонавий кўриниши эканини назарда тутсак, Комилни армиядан олиб қолиш билан Дониёров уни инициациядан, улғайиш имконидан маҳрум қилади.

“Отойининг туғилган йили”да Асқар Шодибековнинг ижтимоий позицияси унинг конформизм томон тобора оғиб бораётган тенгдошлари – Бўстон, Мадҳиддин, Раҳматиллаларнинг инфантилизмдан иборат позициясига қарама-қарши қўйилади. “Жавоб”да Нуриддин Элчиевнинг ҳамқишлоқ дўсти Ҳайдар эндиликда кимсан доцент Ҳайдар Самадовичга айланган, институтда бир вақтда ўқиган тенгдоши Нодир Файзуллаевич эса ҳозирда Элчиевнинг энг катта бошлиғи – институт директори. Ҳаёт қўйган саволларга муносиб жавоб қайтаролмаганлигини қисса воқеалари давомида англаб етган Нуриддин Элчиевнинг ўзи эришган мақом билан Ҳайдар Самадович, Нодир Файзуллаевичнинг мақомини қиёслаши бежиз эмас. Ҳаёт Элчиевнинг меҳнаткаш, ҳалол ва камтаринлигини эртакдаги каби мукофотламади, Ҳайдар Самадович ва Нодир Файзуллаевичда эса эришган мақомига муносиб фазилат кўринмайди. Натижада Элчиев Ҳайдар ва Нодир Файзуллаевич қаршисида ёши уғайгану, лекин руҳан кичкина одамлигича қолади. Элчиев халқ эртакларидаги топшириқни уддалаган, бироқ мукофотни қўлдан бой берган протагонистни, Ҳайдар ва Нодир Файзуллаевич эса инициация учун зарурий бўлган шартни бажармай туриб мукофотга эгалик қилаётган антагонист персонажни эслатади. Шунга кўра, Э.Аъзамнинг протагонист ва антагонист типидаги персонажларида мавжуд бўлган етишмовчиликни ҳар икки типнинг ҳам инициация босқичидан ўтолмаганлиги, чинакамига улғаймаганлиги билан изоҳлаш мумкин бўлади. Протагонист типидаги персонажлар – Элчиев журъатсизлиги (“Жавоб”), Ўрмонов “лапашанг”лиги (“Совуқ”), Имомов ҳавойилиги (“Баҳор”, “Баҳорни қувиб”) туфайли улғайиш имконини бой беради; антагонист типидаги персонажлар – Дониёров (“Боғбололик Кўкалдош”), Ҳайдар Самадович, Нодир Файзуллаевич (“Жавоб”), Салом Тошқул (“Кимларга эшик очасан?”), Чиннибек, Зокир почча (“Байрамдан бошқа кунлар”) эса улғаймаганликдан пайдо бўладиган бўшлиқни бойлик, мансаб, дабдаба, аёллар орқали тўлдириш билан банд бўлади. Зотан, қулай ижтимоий-психологик мақоми ўзининг индивидуал хусусиятларига эмас, ташқи атрибутларга боғлиқ эканини антагонист персонаж жуда яхши англайди, бойлик, мансаб ва дабдабасиз ўзининг ҳеч ким бўлмай қолишини ич-ичидан ҳис қилади.

Бу ўринда диққат қилиш лозим бўлган жиҳат шундаки, персонаж инициацияси “синов – трансформация – қайта тирилиш” босқичларини тақозо қилади. Э.Аъзамнинг протагонист типидаги аксарият персонажлари муттасил “синов” босқичида депсиниб қолиб кетади. Ҳаёт эса негадир уларни мукофотлашга шошилмайди, ҳолбуки, персонаж трансформация ва қайта тирилиш босқичларини ортга сураверади. “Совуқ” ҳикоясининг қаҳрамо-

ни Ўрмоновда трансформация содир бўлмайди, чунки у “синов”нинг моҳиятини англашга, демакки, ундан ўтишга қодир эмас. “Отойининг туғилган йили” қиссасидаги Асқар Шодибеков Аҳмадхонов билан муносабатда эндигина кичик бир ғалабага эришди, у ҳаётнинг синовлари, демакки, ўзининг улғайиш жараёни ҳали узоқ давом этишини ҳис қилиб туради. “Жавоб” қиссасида эса персонажнинг трансформацияси рўй беради, ўз жонига қасд қилган, бир ўлимдан қолган Элчиев деярли руҳан бир ўлиб тирилади, қисса охирида Элчиевнинг ўзини онадан қайта туғилгандек ҳис қилиши ҳам шундан.

Халқ эртаклари ва достонларида инициация мотиви таъсирида асарга олиб кириладиган персонажлардан яна бири – персонаж ҳаётида алоҳида ўрин тутадиган аёл образидир. Бу ўринда, албатта, эркаклар инициацияси акс этган фольклор намуналарини назарда тутамиз. Аёлнинг, бир томондан, эркак эришиши мумкин бўлган гўзал хилқат (янаям аниқроғи, ўзини тасдиқлаб олиш воситаси), иккинчи томондан, ҳимоя қилиниши керак бўлган ожиза эканлиги уни халқ оғзаки ижодидаги қаҳрамонлар инициацияси учун зарурий элементга айлантиради. Эркин Аъзам асарларида акс этган инициация мотиви истисносиз тарзда эркаклар билан боғланган. Адиб ижодидаги аёллар образларининг ҳамиша объект мақомида қолишини уларнинг асарга эркаклар инициациясидаги аҳамияти нуқтаи назаридан олиб кирилиши билан тушунтириш мумкин. “Боғбололик Кўкалдош”даги Ойтуман, “Отойининг туғилган йили”даги Матлуба ва Рухшона, “Байрамдан бошқа кунлар”даги Баргида, “Жавоб”даги Мастура, “Гули-гули” қиссасидаги Наташа, “Шовқин” романидаги Вика образлари қаҳрамонларнинг улғайиш жараёнини акс эттиришда у ёки бу даражада аҳамият касб этади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, адибнинг “Паризод” киноқиссаси марказига чиқарилган келин образи ҳам бош қаҳрамон инициацияси кечикаётганини, тўғрироғи, унинг инициацияга – улғайишга интилмаётганлигини кўрсатишга хизмат қилган.

Э.Аъзам асарларида аёллар образининг объект мақомида қолиши муаллиф ихтиёрига кўра эмас, персонажларнинг аёлга муносабати туфайли рўй беради. Хусусан, “Байрамдан бошқа кунлар” қиссасидаги ниҳоятда гўзал Сафура Зокир почча, Чиннибек кабилар учун ўзини тасдиқлаб олиш воситаси, холос. Мазкур персонажлар Сафурага айни пайтда ҳимоя қилиниши керак бўлган ожиза деб қарамайди. Сафура образига халқ эртакларидаги асосий мотивлардан бири – гўзал малика образининг трансформацияланган кўриниши деб қараш мумкин.

“Боғбололик Кўкалдош” ҳикоясида қаҳрамоннинг уйланишига оид тафсилотлар қўйилган масала юзасидан Кўкални Дониёровга қиёслаш имконини беради. Дониёровнинг Майрамга муносабати ўзини тасдиқлаб олишдангина иборат бўлиб, оқибатда у Майрам ва ўғлини ҳимоясиз қолдиради. Кўкалнинг Ойтуман билан боғлиқ кечмиши ҳам Дониёровнинг вазиятини айнан такрорлайди, бироқ Кўкал бу вазиятда ўзини Дониёров каби тутмайди, Умрқул мерганнинг ташрифидан кейин дарҳол хатосини тўғрилаш ҳаракатига тушади. Улғайиш ўз хатти-ҳаракатлари ва уларнинг оқибати учун масъулиятни бўйнига олиш эканини назарда тутиб айтиш мумкинки, Дониёров ўз вақтида инициациянинг синов босқичидан ўтолмаган одамдир.

Инициация мотиви таъсирида юзага келадиган сюжет ситуацияси учун зарурий персонажлардан бири – ҳомий ёки устоз (“наставник”) образидир. “Отойининг туғилган йили” қиссасида бобо, Убайдуллаев, ака образлари Асқар Шодибеков образига нисбатан ана шундай функция бажаради. Бу жиҳатдан “Боғбололик Кўкалдош” ҳикоясидаги Умрқул мерган образи эътиборга молик. У Кўкални муҳим қарор қабул қилишга мажбур қилмайди, ўзбекона андиша билан ўз фикрини айтади, холос (“Кўкалбой, сизни ўғлим десам...”). Кўкал эса бу вазиятда ўз қилмиши учун жавобгарлик ҳис қиладиган чинакам эркак сифатида йўл тутади. Айтиш керакки, ўз вақтида инициация жараёнидан муваффақиятли ўта олган одамгина устоз мақомига эриша олади. Бу борада Дониёров ва Умрқул мерганни қиёслаш имконимиз бор. Дониёров нафақат никоҳсиз ўғли Кўкал, балки Комилнинг ҳам инициациясига ёрдам беролмайди, аксинча, унинг улғайишига ҳалақит беради (Комилни армиядан олиб қолади); Кўкал Боғболодан чиқиб кетгач Умрқул мерган билан учрашади, унинг таъсирида ҳаётдаги муҳим қарорни қабул қилади. Бу ўринда Дониёров ва Умрқул мерган образлари билан боғлиқ парадоксал ҳолатга дуч келамиз. Бу атрофда Дониёров минмаган амал қолмаганини айтиб ўтар экан, ровий унинг охирги пайтда ҳамиша сарҳовуздаги шийпонда ўзи билан ўзи шахмат ўйнаб ўтиришига эътиборимизни қаратади. Умрқул мерган эса Ўрикли ва Боғболо оралиғидаги ҳудудда яшайди (шахсий чегараларини дахлсиз сақлаш истагига ишора). Парадокс шундаки, Дониёров ҳамманинг эътиборида бўлган, жамоанинг марказидаги, бироқ руҳан одамлардан ажралиб қолган, ёлғиз одам; Умрқул мерган эса қишлоқдошлардан бироз четда, лекин қадимий анъаналарга мувофиқ ҳаёт кечираётган, жамоанинг бир аъзоси сифатида қадриятларнинг авлоддан авлодга ўтишида кўприк бўлаётган одам. Шунга кўра, Кўкалнинг инициациясида Дониёров эмас, айнан Умрқул мерган образи аҳамият касб этади.

Шу ўринда Эркин Аъзам асарларида айнан

инициация мотивининг фаол қўлланиши сабаби ҳақида ҳам тўхталиш мумкин. Аввалги тадқиқотимизда Э.Аъзам ва у мансуб авлод ёзувчилари ижодидаги кераксиз, кичкина, ортиқча одам образлари таҳлилига, уларнинг ижтимоий-психологик асосларига эътибор қаратган эдик [7]. Ҳалол, адолатпарвар, қадриятларга содиқ кишиларнинг ўзини кераксиз, кичкина ва ортиқча ҳис қилиши айни жамиятда ҳукм сураётган носоғлом муҳит натижаси эканлиги шубҳасиз. Бу ҳол жамиятнинг аксарият қисмини ижтимоий инфантилизм томон етаклайди. Э.Аъзамнинг биз юқорида кўриб ўтган асарларидаги инициация мотиви ёзувчининг ижтимоий инфантилизмга қарши норозилиги ўлароқ юзага келди деб ҳисоблаш мумкин.

"Боғбололик Кўкалдош" ҳикоясининг қаҳрамони Кўкал – Э.Аъзам асарларидаги инициация жараёнини тўла ўтай олган ягона персонаждир. Зеро, Кўкалнинг инициацияси индивиднинг маиший турмуш доирасида амалга ошган инициациясидир. Э.Аъзам учун тўлақонли шахс ижтимоий-сиёсий муносабатлар субъекти эканини назарда тутсак, адибнинг кейинги асарларида айрим персонажларнинг трансформациясига қарамасдан, уларни қайта тирилган ҳолдаги ҳаётини кўра олмаслигимизнинг сабаби ойдинлашади. Персонажлар руҳан янгиланди, қайта тирилди, бироқ жамият уларни шу ҳолда қабул қилишга қодир эмас. Бу эса Э.Аъзам асарлари қаҳрамонлари яшаган ижтимоий муҳитнинг қанчалик адолатсизлиги, эртаси ва келажаги ҳақида қайғурмаганлигидан дарак беради.

Адабиётлар

1. Инициация и миф // Мифы народов мира. Энциклопедия. – Москва. Электронное издание, 2008. – С. 446 – 447.

2. Ефимкина Р.П. Пробуждение Спящей Красавицы. Психологическая инициация женщины в волшебных сказках. Монография. СПб: Речь. – 263 с.

3. Элиаде М. Тайные общества. Обряды инициации и посвящения. – Москва – Санкт-Петербург: Университетская книга, 1999. – 356 с.

4. Бедненко Г., Танцующие туфельки. Интернет ресурс. URL: http://pryahi.indeep.ru/psychology/mine/red_shoes.html (Дата доступа: 23.05.2019)

5. Аъзам Э. Жавоб. – Тошкент: Ёш гвардия, 1986 – 272 б.

6. Мелетинский Е.М. Герой волшебной сказки. Происхождение образа. – Москва: изд-во Восточной литературы, 1958. – 264 с.

7. Шералиева М. Ҳозирги ўзбек насрида киноя. Монография. – Тошкент: Academnashr, 2016. – 224 б.

8. Аъзам Э. Боғбололик Кўкалдош // Аъзам Э. Олам ям-яшил. Ҳикоялар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1984. – Б. 130 – 141.

9. Аъзам Э. Байрамдан бошқа кунлар. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. – 270 б.

10. Пропп В.Я. Морфология сказки. – Москва: Наука, 1969. – 168 с.

11. Силантьев И.В. Поэтика мотива. – Москва: Языки славянской культуры, 2004. – 296 с.

12. Историческая поэтика. Итоги и перспективы изучения. Ред. коллеги: М.Б.Храпченко, Г.П.Бердников, Н.К.Гей, С.Г.Бочаров, И.Ю.Подгаецкая. – Москва: Наука, 1986. – 336 с.

THE MOTIF ON INITIATION IN ERKIN A'ZAM'S PROSE

M. I. Sheraliyeva[1]

Ilmiy xabarnoma. Научный вестник – 2019. №2. 73–79.

[1]*Andijan State University, Andijan, 170100, str. University, 129 (Uzbekistan). E-mail: agsu_info@edu.uz*

Keywords: motif of initiation, folk tales, plot situation, character system, protagonist, antagonist.

The article examines the various forms initiation motife and transformation in the example of works by Erkin A'zam's prose. The story of E.A'zam "Bog'bololik Ko'kaldosh" («Kukaldosh from Bogbolo») repeats the motifes of folk tales: the constant humiliation of the stepson by stepmother and others – the success of the hero's departure from the environment in which he was born – succeeding in every challenge he encounters, achieving what he was aspiring for. The story follows a transformation of the above motifes: the hero encounters a disrespectful attitude not only from his stepmother but also from his biological mother and father. Also, the hero does not have

a specific task, a difficult task to do, to leave the environment.

Initiation of the youngest son in folk tales is reflected in the story “Bayramdan boshqa kunlar” («Days other than the holiday»), which was transformed. The hero of the story, Bakir, is set against his brother-in-law Zokir and sister-in-law’s husband Chinnibek, not his own brothers. In folk tales the expression of the “rich – poor” or “rich brother – poor brother” is the motife for the initiation of the social context in the story of E.A’zam in a modern style.

There are two important signs that indicate that the hero has gone through the initiation process: 1. The hero must perform a difficult task. 2. He should receive the prize. The episode of protagonist character’s winning and abducting an award by the antagonist character is not included in folk tales for fun only, it has a moral message. The award seeks to prove that the antagonist has accomplished a difficult task and has undergone an initiation process.

Most of the protagonist-type characters of E.A’zam are always in a “challenge” phase, with the character trailing behind the stages of transformation and resurrection. In the hero of the story “Sovuq” («Cold»), Urmanov does not undergo transformation because he is unable to comprehend the essence of the “challenge”. Askar Shodibekov in the story “Otoyining tug’ilgan yili” («The year Otoyi born») has won a minor victory in his relationship with Ahmadkhonov, he feels that the challenges and the phase of maturity in life will last a long time.

The protagonist of the “Bog’bololik Ko’kaldosh” story is the only character who has been able to complete the initiation process in E.A’zam’s works. Initiation of Ko’kal takes place within the context of everyday life. A full-fledged person is a subject of social and political relations for E.A’zam. Despite the transformation of some characters in the later works of the writer, we cannot see their resurrected life.

Characters have been spiritually refreshed and resurrected, but society is unable to accept them in that case. This shows that the social environment in which the heroes of E.A’zam’s works lived, did not care about the injustice and the future. At the same time, a society or state with an infantilism rooted in the people who fails to initiate the process is also unlikely to have a fully independent position with respect to other societies and countries.

References

1. Tokarev S.A. (2008) *Iniciaciya i mif* [Initiation and myth]. In: Mify narodov mira [Myths of the peoples of the world]. Encyclopedia. Electronic edition. Moscow. Pp. 446 – 447.

2. Yefimkina, R.P. (2010) *Probuzhdenie Spyashchej Krasavicy. Psihologicheskaya iniciaciya zhenshchiny v volshebnyh skazkah* [Awakening Sleeping Beauty. The psychological initiation of women in fairy tales]. Saint Petersburg: Rech’.

3. Eliade, M., B. (1999) *Tajnye obshchestva. Obryady iniciacii i posvyashcheniya*. [Secret societies. Rites of initiation and initiation] Moscow-Saint Petersburg: Universitetskaya kniga.

4. Bednenko, G., *Tancuyushchie tufel’ki* [Dancing shoes]. [Online] URL: http://pryahi.indeep.ru/psychology/mine/red_shoes.html (Date of Access: 23.05.2019)

5. A’zam, E. (1986) *Javob* [Answer]. Tashkent: Yosh gvardiya.

6. Meletinskij E.M. (1958) *Geroj volshebnoj skazki. Proiskhozhdenie obraza* [Hero of a fairy tale. The origin of the image]. Moscow: Izdatelstvo Vostochnoj literatury.

7. Sheraliyeva, M. (2016) *Hozirgi o`zbek nasrida kinoya* [The irony in modern Uzbek prose]. Tashkent: Academnashr.

8. A’zam, E. (1984) *Bog`bololik Ko`kaldosh* [Kukaldosh from Bogbolo]. In: A`zam E. Olam yam-yashil [Green World]. The stories. Tashkent: Adabiyot va san’at. Pp. 130-141.

9. A’zam, E. (1988) *Bayramdan boshqa kunlar* [Days other than the holiday]. Tashkent: G`.G`ulom nomidagi Adabiyot va san’at nashriyoti.

10. Propp, V.Y. (1969) *Morfologiya skazki* [Morphology of the Folk Tale]. Moscow: Nauka

11. Silantyev, I.V. (2004) Poetika motiva [The Poetics of the Motif]. Moskow: Yazyki slavyanskoj kul’tury.

12. Hrapchenko, M.B. (ed.). (1986) *Istoricheskaya poetika. Itogi i perspektivy izucheniya* [Historical Poetics. Results and Prospects of the Study]. Moscow: Nauka

Муаллиф ҳақида маълумот:

Шералиева Машҳура Икромжоновна – Андижон давлат университети ўзбек адабиётшунослиги кафедраси докторанти, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). E-mail: mashur_sher@rambler.ru.